



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz


2014 йил 9 август, № 153 (6083)

Шанба

МАМЛАКАТИМИЗ

ТАРАҚҚИЁТИ

ЙЎЛИДА



Хонобод шаҳрида иш бошлаган "Sargasso-Textile" масъулияти чекланган жамияти "Олтин водий текстиль" ва "Хўжабод Фазо-Р" корхоналарига уч йил давомида ўз маҳсулотларини етказиб бериш юзасидан буюртма олди.

Дастлабки шартнома

Маркетинг тадқиқотлари вилоятда фаолият кўрсатаётган юзлаб кичик корхоналарда калава ипдан тўқилган матога талаб юқори эканлигини кўрсатди. Шунинг билан бирга, 650 миллион сўмлик сармога эвазига мазкур корхона фаолияти йўлга қўйилди.

— Буюртмачиларимиз тайёрлаётган маҳсулотлар тўлиқ экспортга чиқарилиши боис, улар сифатига алоҳида эътибор қаратаёلمиз, — дейди "Sargasso-Textile" масъулияти чекланган жамият раҳбари Рафиқжон Юлдашев. — Ваҳоланки, енгил саноат соҳасида товарлар таннархининг катта қисмини транспорт харажатлари ташкил этади. Бунинг олдини олиш мақсадида тўқув цехидан ташқари, корхонамиз қошида ранг бериш ва тикув жараёнини ҳам йўлга қўяёلمиз. Хусусан, жорий йил охиригача тикув цехимиз ишга туширилади. Шунда жамоамиз аъзолари сони 100 нафарга етади.

Саидхон ШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳароратни меъёрида сақлайди

Заниғона туманидаги "Осиё саховат глобал" фермер хўжалиги жамоаси замонавий музлаткичи омборхона қурди. Унинг афзаллиги шундаки, айни қиш чилласида ҳам омборхонада мева-сабзавот маҳсулотлари эндигина узилгандек сархил сақланади.

— 1200 тоннагача маҳсулот сақлаш имкониятига эгамиз, — дейди фермер Акмал Юнусов. — Айни пишиқчиллик мавсумининг қанимат кунларидан фойдаланиб, ўзимиз ва қўшни хўжалиқларда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини жамғаришни бошлаб юбордик. Айтиш жоизки, банкнинг 750 миллион сўмлик кредити ҳисобидан қуриб

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Компьютер ёрдамида гилам тўқилади

Яқинда Навоий шаҳрида ташкил қилинган "Ишонч гилам" кўшма корхонасида Навоий информатика ва электрон саноат касб-хунар коллежи битирувчиси Анвар Ахтамов ғоялари асосида миллий услубдаги гиламлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 4 миллиард 140 миллион сўм йўналтирилди.

— Европа стандарти бўйича такомиллаштирилган ускуналаримиз компьютер хотирасига киритилган махсус дастур асосида бошқарилади, — дейди корхона раҳбари Шавкат Холназаров. — Бу эса сифатли ва бежирим маҳсулот ишлаб чиқариш имконини бермоқда. Натижада ички бозордаги маъқимиз тобора мустаҳкамланапти. Айни пайтда гиламларимизни ташқи бозорга чиқариш чораларини ҳам кўраяёلمиз. Бу борада хоржиий савдо компаниялари билан музокаралар олиб борилаётир.

Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Шу йилнинг дастлабки олти ойида мамлакатимизда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми

10,8 фоиз ўсди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш бўйича аниқ чоратadbирлар амалга оширилгани, айниқса, саноат корхоналарини технологик жиҳатдан янгилаш, замонавий ускуналар билан қайта жиҳозлаш лойиҳалари тижорат банклари томонидан қўллаб-қувватлангани бунда муҳим омил бўлди.

Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги олдидан

ЎЗБЕКИСТОН ТИНЧЛИК ТАРАФДОРИ

Инсоният уруш балоси ва тинчлик қадрини шу қадар чуқур идрок этадики, тиллар пайдо бўлган замонлардан буён одамлар бир-бири билан юз кўришганда ҳам, хайрлашаётганда ҳам, аввало, тинчлик тилайди. Салом — тинчлик, хайр — яхшилик, эзгулик, демакдир. Охири бахайр бўлсин, деган гапни ҳам кўп такрорлаймиз. Зеро, энг муҳим ҳаётлик уруш бўлса, барча ҳаётлик неъматларнинг замири тинчликдир. Ўзбекистон мустақиллигининг даст-

лабки кунларидан тинчликпарвар ташқи сиёсат юритиб келмоқда. Бу сиёсат, аввало, Президентимиз Ислам Каримов давлат раҳбарлари орасида биринчи бўлиб БМТ минбаридан жаҳон аҳли эътиборини Афғонистонга қаратганида, терроризм ва экстремизмнинг вайронкор ҳавфи ҳақида огоҳлантирганида намоён бўлди.

Утган асрнинг 90-йилларида ҳавфсизликка таҳдидлар, уларнинг моҳияти ва туб сабаблари бугунгичалик

долзарблик касб этмаган эди. Кейинчалик қатор мамлакатларда юзага келган қалтисликлар, терроризм ва экстремизмнинг халқаро миқёсда фаоллашуви, бошқа таҳдидларнинг майдонга чиқиши Ўзбекистон раҳбариятининг қарашлари қанчалик асосли эканини кўрсатди. Бугун ҳавфсизлик масаласи ҳар қандай халқаро учрашув, халқаро анжуманнинг асосий мавзуларидан бирига айланган.

(Давоми 2-бетда).

ЭЪТИРОФ

Яқинда Япониянинг оммабоп нашрларидан бири — "Nikkei Sangyo" (Nikkei Business Daily) газетасида "Самарқанд конференцияси" ҳамда япон-ўзбек муносабатларини мустаҳкамлаш истиқболлари сарлавҳали мақола босилиб чиқди.

«Nikkei Sangyo» нашри юртимиз ҳақида

Унинг муаллифи — "Matsumae International" халқаро жамғармаси раиси, Токай университети профессори Хирохиса Учида япониялик газетехонларни шу йил 15-16 май кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган "Урта асрлар Шарқ алломулари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожига роли ва аҳамияти" мавзусидаги халқаро конференция якунлари билан атроф-лича таништирди.

Мақолада ёзилишича, анжуманда дунёнинг эллика яқин мамлакатидан минг нафардан зиёд олим ва мутахассислар, шу жумладан, нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди. "Мазкур конференция қатнашчиси сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг донолиги ва узоқни кўра билишидан хайратга тушдим, — деб ёзади муаллиф. — Хусусан, Президент халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқида ўзининг тарихий, маданий ва интеллектуал меросини асраб-авайлашга, бойитиш ва кўпайтиришга, шунингдек, униб-ўсиб келаётган ёш авлоднинг миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга етарлича эътибор қаратмайди-

ган, ҳар томонлама уйғун ривожланган, мустақил фикрлайдиган, ўз қараш ва ёндашувига, гражданлик позициясига эга бўлган шахсни камол топтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўймайдиган ҳар қандай давлат ва жамият тарих ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилиш имконига ҳам эга бўлганини қайд этади. Шу ўринда муаллиф газетехонларни япон ва ўзбек олимлари "Майданак" расадхонасида ўзаро ҳамкорликда олиб бораётган ишлар билан таништирди.

"Сафарим чоғида Ўзбекистоннинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги илчил ижтимоий-иқтисодий ўсишга эришган, илгор ва барқарор мамлакатлардан бири эканлигига амин бўлдим, — деб ёзади у. — Мамлакатда транспорт инфратузилмаси ҳам яхши ривожланган. "Тошкент — Самарқанд — Тошкент" йўналишида қатновчи "Афросиёб" тезуяр поезди бунга мисол бўла олади. Поездда кетар экансан, Буюк Ипак йўлининг бетакор манзараларидан баҳраманд бўласан киши. Фикримча, мамлакатимиз Ўзбекистон билан нафақат савдо-иқтисодий жаҳада, балки таълим, кадрлар тайёрлаш ва маданият соҳаларида ҳам ҳамкорликни янада мустаҳкамлаши лозим".

Анжуман ҳақида фикр юритар экан, Х. Учида тадбир чоғида япониялик иштирокчилар илм-фан ҳамда технология масалаларини ҳамда Япония ва Ўзбекистоннинг илм-фан соҳасидаги ҳамкорлигини

«Жаҳон» АА. Токио



ТЕРАН ИЛДИЗЛАР

Учрашувларнинг бирида мендан "Азим ака, 44 йилдан буён деҳқончилик билан машғул экансиз. Бугунки кунда фермер хўжалиги раҳбарисиз. Айтинг-чи, қандай фермернинг иши самарали бўлади?" деб сўраб қолишди. "Аввал одамлар бойисин, кейин мен сармоядор бўламан" деган фермернинг иши доимо ўнгидан келавради", дедим бу саволга жавобан.

Ҳақиқатан ҳам, эл-юртини, одамларни ўйлаган киши ҳеч қачон кам бўлмайди. Бунинг мен ўз ҳаётим мисолида баралла айта оламан. Одий бир тракторчи эдим. Бригадирлик қилдим, хўжалик раҳбари бўлдим. Эндилкида эса тасарруфда 300 гектар экин майдони бор ширк фермер хўжалиги раҳбариман. Чорвачилик, паррандачилик йўналишларида ёрдамчи тармоқларимиз ҳам бор.

Сизга айтсам, фермерлик ортдан эл-юрт ҳурмати қозондим. Камтарона меҳнатларим юксак баҳолашиб, тақдирланди. Ватанимизда энг бахтиёр оилалардан бирини соҳибиман. Бир одий деҳқон учун бундан ортиқ бахт борми?!

Хўжалигимизда 100 нафар киши меҳнат қилади. Яхши-ёмон кунларида доимо уларнинг ёлларидаман. Жорий йилда ҳар гектар майдондаги ғалладан 60 центнердан ҳосил олдик. Чул шароитида бу яхши кўрсаткич. Пахтадан ҳам бу йил мул ҳосил етиштириш ниятидамиз.

Дарвоқе, экин майдонларимиз Живон чўлида. Эшитган бўлсансиз, унинг Султанообод деган массиви бор. Уша ерда экин экиб, ҳосил яратаямиз. Тўғри, чўлда яшаиш ва ишлаганинги ўзига яраша машаққати бор. Лекин яхши шарт-шароит яратиш кишининг ўз қўлида. Яқинда иштиёримизга қолган доннинг 110 тоннасини ишчиларимизга тарқатдик. 10 та дала ишюртини қургансиз. Барчаси замонавий қиёфада.

Ишчиларимиз тоған даромадларини тўйларга сарфлашаёпти, енгил машина харид қилишаёпти, уй-эвои қуришаёпти, фарандларини нуфузли олий ўқув юртларида ўқитишаёпти. Шуларни кўриб, қувончим ичимга сиғмайди. "Қим эдику қим бўлдики?" дейман ўзимга ўзим.

Минг қарра шукр, Аллоҳ назари тушган заминда яшайамиз. Юртимиз тинч, турмушимиз фаровон, бозорларимиз тўкин. Қўлимиз меҳнатда. Дастурхонимиздан эса қут-баракат аримайди.

Истиқлол берган бундай неъматлар бардавом бўлсин. Халқимизнинг боши тўйдан чиқмасин!

Азим ЛАТИПОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, фермер. Шўфиркон тумани

Мустақил сурури

Инвестиция ва қулай ишбилармонлик муҳити

саноат корхоналарининг жадал ривожидида муҳим ўрин тутати

Истеъмол бозоридан муносиб ўрин олиш — ҳар бир ишлаб чиқарувчининг устувор мақсади. Шу жиҳатдан мамлакатимиз ишбилармонлари томонидан тайёрланаётган юзлаб турдаги маҳсулотлар юқори сифати ҳамда ўзига хос дизайни билан маҳаллий ва хорижий харидорлар эътирофига сазовор бўлаётгани қувонарлидир. Улар орасида Наманган шаҳридаги "Люкс плюс сервис" масъулияти чекланган жамиятининг замонавий моделдаги ихчам костюм-шим, куртқа ва пальтолари ҳам бор.

ЖАРАЁН

Маълумки, бундай рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун, энг аввало, илгор технология ва малакали ишчи-мутахассислар талаб этилади. "Люкс плюс сервис"-



нинг бу борадаги имкониятларига ҳавас қилса, арзийди. Корхона, айниқса, 550 минг евро микдоридидаги сармога ҳисобига катта ҳажмдаги модернизациялаш тадбирлари амалга

оширилгандан сўнг ривожланишини янги поғонасига кўтарилиб олди. Ҳозир бу ерга ўрнатилган серунум, тежамкор, замонавий ва энг сўнгги русумдаги технологиялар шарофати

билан либослар тайёрлаш жараёни компьютерлаштирилган дастгоҳлар ёрдамида сифатли бажарилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ТАДБИР

Пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси билан ҳамкорликда "Муҳаббатим сенга, она Ватаним!" деб номланган байрам тадбири ўтказилди.

Муҳаббатим сенга, она Ватаним!

Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан ташкил этилган мазкур тадбирда хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, талаба-ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Анжуманда сўзга чиққанлар юртимизда ёшларни етук ва баркамол, интеллектуал салоҳиятли, билимли, эзку қўлиб тарбиялаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳаётда муносиб ўрин эгаллашига қўмаклашиш масаласига эътибор қаратилаётганини қайд этишди.

(Давоми 2-бетда).



Изчил ва кенг кўламли ислохотлар

Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида юртимизда барча соҳалар каби соғлиқни сақлаш тизими ҳам бутунлай ислох этилди. Юз берган ижобий ўзгаришлар самараси ўлароқ, мамлакатимизда даволаш муассасаларининг сифат жиҳатидан мутлақо янги ва мукамал тизими яратилди.



ЭРТАМИЗНИНГ ИШОНЧИ ВА ТАЯНЧИ

Масъул сурури

Ўғлим Улуғбек касбим давомчиси — кўз касалликлари шифокори. Қарийб қирқ йиллик тажрибам бўлса-да, у билан тез-тез масъула-лашишга тўғри келади. Боси, Улуғбек — истиқлол фарзанди, замонавий шарт-шароитларда пухта таълим олган ёш мутахассис. Қолаверса, изланишдан тўхтамайди, ўқийди, ўрғанади. Илғор технологиялардан, илм-фан ютуқларидан самарали фойдалана олади. Зеҳни ўткир, малакаси юқори.

Қувонарлиси, бугунги ёшларимизнинг аксарияти ҳақида ана шундай фикрларни билдириш мумкин. Мана, яқинда бир танишим Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Давлат бошқаруви академиясида ташкил этилган малака ошириш курсида ўқиб келди. «Машгулотлар қандай ўтди?» десам, сўровимга савол билан жавоб берди: «Биласизми, энг қойил қолганим нима бўлди?» «Қани айтинг-чи, нима экан?» — дея қизикдим. «Бундан 10-15 йил аввал худди шу мавзуларда хорижлик мутахассислар маърузаларини эшитардик, — дейди у. — Қарасам, бу гал ҳаммаси — ўзимизнинг ёш мутахассислар. Бир нечта чет тилларни мукамал билшилар экан. Яна ораларида кўпчилиги дунёнинг манаман деган мамлакатларига бориб, маърузалар ўқиб қайтишар экан! Ростки, ҳайратим ошди, бугунги ёшларимизга ҳавасим келди».

Унинг айтганича бор. Ҳозир ҳатто миттигина болажонларимиз ҳали боғча ёшидаёқ чет тилини ўрғанишмоқда. Сал эсини танигач, компьютернинг мураккаб амалиётларини ҳам тезда ўзлаштириб олишяпти. Дарсдан сўнг ўзи қизикқан бирор фан бўйича тўғаракка ё спорт машғулотига қатнашяпти. Буларнинг бари келажакимиз ишончли кўларда эканлигининг яна бир далили эмасми?! Зеро, Ўзбекистон — алломалар юрти. Шундай экан, бу заминда камол топган ҳар бир фарзанд кўлаб ажодларимизга муносиб авлод бўлиб етишиши, шубҳасиз.

Расул КАРИМОВ, Сирдарё вилояти кўз касалликлари шифохонаси бош шифокори, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби.

Бизнесдаги ютуқлар омили

Бухоро шаҳридаги «Озода-Озод» қўшма корхонасида ўтган йили модернизациялаш ишлари амалга оширилган эди.

МОДЕРНИЗАЦИЯ

Бу эса жамоага умумий қиймати 5,8 миллиард сўмлик гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш имконини берди. Ўз навбатида, корхона экспорт салоҳияти ҳам ошди. Негаки, хорижлик буюртмачилар маҳсулот сифати янада яхшиланганга ишонч ҳосил қилдилар. Ишонч эса бизнесда муваффақият омили саналади. Биргина жорий йилнинг ўтган олти ойида «Озода-Озод» ёрлиги туширилган 316,5 минг АҚШ доллари миқдори-

даги маҳсулот чет эллик харидорларга жўнатилди. Таъкидлаш керакки, вилоятда бу каби ҳудудий корхоналарнинг экспорт салоҳияти йил сайин ошиб бораёпти. Жорий йилнинг дастлабки ярмида улар томонидан 20 миллион АҚШ долларилик маҳсулот экспорт қилинди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 8 миллион доллар кўпдир.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Инвестиция ва қулай ишбилармонлик муҳити

саноат корхоналарининг жадал ривожидида муҳим ўрин тутди

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

— Корхонамиз фаолият бошлаган дастлабки йиллари ҳар бир либосни силлиқлашга соатлаб вақт сарфлардик, — дейди костюмга ишлов бераётган Улуғбек Ҳамроқуллов. — Хориждан келтирилган мана бу пресслаш ускунаси эса ушбу амалиётни санокли дақиқалар ичида бажаради. Унинг маҳсулот сифатини таъминлашдаги ўрни ҳам катта. Айни пайтда ана шундай дастгоҳдан 14 таси ишлаб турибди.

Дарҳақиқат, технологик янгиланиш тадбирлари амалга оширилгандан сўнг корхона қувватлари ортиб, ишлаб чиқариш ҳажми олдингига нисбатан беш баробар ўсди ёки ойига уч мингтага етказиб кийим-кечак тайёрлаш имконияти юзага келди. Ўз навбатида, иш ўринлари кўпайиб, жамоа аъзолари сони 115 нафарга етди. Уларнинг 15 фоизини касб-хунар коллежлари битирувчилари ташкил этади. Энг муҳими, ички бозордан мустақам ўрин эгаллаган корхона ўз маҳсулотларини чет элга ҳам чиқара бошлади. Эңдликда хориж давлатлари билан тузилган экспорт шартномалари миқдори йил сайин ошиб бормоқда. Масалан, ўтган йил якунларига кўра 85,4 минг АҚШ долларига тенг маҳсулот ташқи бозорга чиқарилган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярмидаёқ бу борадаги кўрсаткич 57 минг АҚШ долларида ошди. Олти ойда ишлаб чиқарилган умумий маҳсулот миқдори эса 1,4 миллиард сўмликка етди.

— Айни чоғда «Vakkoni» товар белгиси остида 30 дан ортиқ турда кийим-кечаклар ишлаб чиқаряпмиз, — дейди МҶЖ раҳбари Аюбхон Бобомирзаев. — Шу билан бирга, бозордаги мавқеимизни янада мустаҳкамлаш мақсадида навбатдаги лойиҳани ниҳоясига етказаяпмиз. Анқироги, яна бир цех биноси қуриб битказилмоқда. Энг улғ, энг азиз байрамимиз арафасида фойдаланишга топшириладиган бу иншоотда юздан зиёд киши меҳнат қилади. Тайёрлаётган маҳсулотларимиз миқдори эса яна бир миллиард сўмликка кўпаяди. Бундан ташқари, келгуси йилдан бошлаб янги йўналиш — эркаклар кўйлагини тайёрлаш линияси барпо этишни режалаштириб турибмиз.

Айтиш лозимки, вилоятда «Люкс плюс сервис» сингари дастгоҳ ва ускуналарни ихчам ҳамда самарали техника ҳисобига янгиланган, юксак натижаларга эришаётган хўжалик юритувчи субъектлар сони тобора ортиб бормоқда. Улардан бири — «Истиклол текстиль дизайн» масъулияти чекланган жамиятида юқори сифатли костюм-шим ва куртқалар тайёрланади. Йилга 1,3 миллиард сўмликдан кўпроқ бежирим кийимлар ишлаб чиқараётган мазкур корхона аввалги йили ISO 9001 халқаро сертификатини кўлга киритган эди. Ўтган йили эса Фарғона водийсида биринчи бўлиб мода ва ди-

зайн марказини ишга туширди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, кичик бизнес субъектлари кўлаб ҳамюртларимиз учун ўз иқтисодини ва салоҳиятини намойиш этиш майдонига айланиб бораёпти. Масалан, Наманган шаҳридаги «Ифтихор кийим саноат» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Анна Добрих корхона фаолиятини барқарор йўлга қўйгани, истеъмол бозорини тўлдирди ва экспорт фаолиятидаги самарали иштироки учун «Ташаббус — 2014» кўрик-танловининг якуний босқичида «Энг яхши тадбиркор» йўналиши бўйича голиб чиқиб, олтин медал, биринчи даражали диплом ҳамда «Spark» автомашинаси билан тақдирланди. Ёш ва гайратли тадбиркор ҳам ўз муваффақиятларини корхонада замонавий технологияларнинг кенг қўлланилиши билан боғлайди.

Этиборлиси, саноат тармоқларини модернизациялаш ва янгиланган, замонавий инновацияга асосланган тежамкор ҳамда юқори самарали технологияларни жорий этиш билан боғлиқ бундай мисолларни кўлаб келтириш мумкин. Биргина ўтган йилнинг ўзида вилоят бўйича мазкур йўналишда 163 та лойиҳа амалга оширилиб, юксак натижаларга



Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ўЗА) олган суратлар.

эришилди. Айни мақсад учун 30,8 миллион АҚШ долларига тенг маблаг ўзлаштирилган бўлса, унинг 21,2 миллион доллари хорижий сармоядорлар ва лойиҳа ташаббускорларнинг ўзлари қоплашди. Бу, ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектлар молиявий имкониятлари эртанги кун манфаатлари учун дадиллик билан йўналтирилатганини кўрсатади. Натижада юқоридаги чора-тадбирлар ҳисобига 105,6 миллиард сўмлик янги қувватлар, улар-

ни бошқариш учун 3790 та иш ўрни юзага келди. Наманганликлар айни соҳадаги ишларни жорий йилда ҳам изчил давом эттиришмоқда. Буларнинг барчаси пировардида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг муттасил орттириш, экспорт салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилаётгани билан аҳамиятга эришди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Илғор технологик лойиҳалар

янги турдаги қурилиш материалларини тайёрлаш имконини бермоқда

Мамлакатимизда қўшимча қийматга эга бўлган саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўлами кун сайин кенгайиб бораёпти. Натижада ички бозор импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдирилиши баробарида, экспорт салоҳияти ошмоқда. Шубҳасиз, бу борада саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича ҳаётга татбиқ қилинаётган лойиҳалар муҳим омил бўлаётир.

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ

Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикасини 2014 йилнинг биринчи ярмида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига бағишланган мажлисида таъкидланганидек, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш борасида ҳам муайян ютуқларга эришилмоқда. Негаки, юртимизда шу йилнинг олти ойида электр духовка, газ ва электр плиталар, кондиционер, электр двигател ва насослар, машиий электр асбоблари, спорт анжомлари ва бошқа 200 турдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бошқача айтганда, маҳаллий корхоналар томонидан умумий қиймати 1,2 триллион сўмлик янги турдаги маҳсулотлар етказиб берилиши натижа-сида импорт ўрнини босиш самарадорлиги 504,7 миллион АҚШ доллари ташкил этди.

Таъкидлаш керакки, иқтисодиётимизнинг етакчи соҳаларидан бири бўлган қурилиш материаллари саноатида ҳам кўплаб шундай истиқболли лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилди. Натижада арматура ўрнини босадиган янги қурилиш материалли — нometалл арматура ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. «Arm Composit» савдо белгиси остида тайёрланаётган бу маҳсулот пойтахтимиздаги «Бўстон текстиль» масъулияти чекланган жамиятида Маҳаллийлаштириш дастури доирасида олиб борилган изланишлар самарасидир.

Дарҳақиқат, мазкур дастур саноатнинг юқори технологияли тармоқлари, хусусан, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳаси ривожидида кенг имкониятлар эшигини очмоқда. Бугунги самарадорлиги 504,7 миллион АҚШ доллари ташкил этди.

асёларига бўлган эҳтиёжи, асосан, ўзимизнинг маҳсулотлар эвазига таъминланаётгани бунинг далилидир. Узоққа бормайлик, шу йилнинг ўтган даврида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш жами 13,1 фоиз ўсгани бунёдкорлик ишлари кўламининг 17,4 фоиз ошишида муҳим омил бўлди.

Соҳада, айниқса, кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқаришга илғор технология ечимлар, инновацион ишланмалар изчил жорий этилиб, ноухалар унумли қўлланилаётгани тамомилан янги, арзон ва сифатли маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштиришда кўл келаяпти. Нometалл арматуралар шулар сирасига қиради.

— Бу маҳсулотнинг асоси шиша толеси ва базальтдан иборат бўлиб, соҳа мутахассислари уни қисқача «шиша-

пластик арматура» деб аташади, — дейди жамият раҳбари Анвар Рўзметов. — У турдошларига қараганда жуда мустаҳкам, сифати юқори ва турли ташқи таъсирларга чидамли. Шу боис бундай арматураларга жаҳон бозориди талаб тобора ошиб бораёпти. Юртимизда ҳам унга эҳтиёж катталиги бизни изланишга ундадики, натижада ушбу маҳсулотни ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик.

Маълумки, қурилишда арматура энг муҳим материаллардан бири ҳисобланади. Одатда, у пўлатдан тайёрлангани туфайли иш жараёнида бирмунча мураккабликлари келтириб чиқаради. Чунки оғир металлни ташиш, тепага чиқариш сарф-харажатни оширишдан ташқари, вақтни ҳам олади. Янги маҳсулот эса, мутахассисларнинг айтишича, сифат кўрсаткичлари бўйича пўлат арматурадан асло қолишмайди, ҳатто устулликка ҳам эга. Масалан, вазни анча енгил, баҳоси эса икки баробар арзон. Шунинг учун бугунги кунда дунёнинг кўплаб давлатларида нometалл арматуралардан кенг фойдаланилапти.

Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ТИНЧЛИК ТАРАФДОРИ

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Ўзбекистон ҳаммиса ҳар қандай муаммони муроса билан, музокаралар орқали ҳал қилиш тарафдори бўлиб келган. Хусусан, Афғонистон муаммосига тўхталадиган бўлсак, Президент Ислом Каримовнинг бу мамлакатдаги вазиятни фақат ҳарбий куч ишлатиш орқали ўнглаб бўлмашлиги тўғрисидаги фикри бугун халқаро майдонда кенг эътироф этилмоқда. Давлатимиз раҳбари Афғонистонда тинчлик ўрнатиш учун қарама-қарши томонларни муросага келтириш, қатор иқтисодий ва гуманитар масалаларни ҳал қилиш, халқнинг урф-одатларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш зарурлигини таъкидлаб келади. Халқаро экспертлар бу фикрлар тўғри эканини қайд этади.

Шу боис Ўзбекистон Афғонистон билан муносабатларини икки томонлама асосда ривожлантириш тарафдори эканини баён этиб

келади ва амалда бу гоёни ҳаётга татбиқ этмоқда. Афғонистонда бунёд этилган йўллар, кўприклар, бу мамлакатга етказиб берилган электр энергияси ана шундай икки томонлама ҳамкорликнинг ёрқин тасдиғидир.

Тинчликпарвар сиёсат турли ҳарбий блоklarга қўшилмаслик гоёсида ҳам яққол намойён бўлади. Зеро, моҳиятан қандай асосда тузилган бўлишидан қатъи назар, ҳар қандай блок қайсидир давлат ё давлатлар гуруҳига қарши қўйилади. Иккинчи жиҳати эса ҳарбий блок муайян даражада мамлакат мустақиллигига даҳл қилади. Чунки бошқа давлатлар қаторида ҳарбий қаракатлар олиб бориш мажбуриятини юклайди. Ўзбекистон ҳарбийлари мамлакатимизнинг ҳудудий айланилишини, суверенитетини ҳимоя қилади, чегараларини дахлсизлигини таъминлайди. Бу мақсадлар блоклар доирасидаги вазифалардан кескин фарқ қилиши эса барчага аён.

Уруш ҳаммага жуда оғир

солиқ солади, бу солиқни эркак қон билан, аёл кўз ёши билан тўлайди, дейдилар. Бир оила бошига тушган мусибатнинг ўзи қанчалар аянчли. Шу нуқтаи назардан қараганда, бутун мамлакатнинг мусибати нечоғли катта фоҳиа бўлишини тасаввур қилиш ҳам мушкул. Бугун Сурия, Ироқ ёки Ливияда, МДҲ маконидаги айрим минтақаларда оддий одамлар қандай даҳшатли ўй-хаёллар, қандай оғир ташвишлар билан ҳаёт кечириётганини эшитган-кўрган ҳар қандай одам боши узра мусаффо осмонни кўриб шукрона айтади.

Тинчлик — гоёт кенг тушунча. Мамлакатда ички барқарорлиқни таъминлаш ва мустаҳкамлаш Ўзбекистон тинчликпарвар сиёсатининг алоҳида йўналишидир. Биз шаҳар ё кишлоқ, ёруғ ёки қоронғи бўлишидан қатъи назар, хавотир ва ҳадиксиз истаган жойимизга борамиз, фарзандларимизни ўқишга, тўғарақларга кузатамиз ва кутиб оламиз. Эртамиз ҳақида ўйлаганда тушунлик-

қа тушмаймиз. Яна неча мамлакатга шундай таъриф бериш мумкин?!

Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Осие таракқиёт банки каби йирик халқаро молия муассасалари қараганда, бугун Афғонистонда ялпи ички маҳсулот ўсиши саккиз фоиздан кам бўлмай келаётганини эътироф этади. Бугунги таракқиёт, бунёдкорлик, фаровонликнинг бош омили ҳам мана шу тинч-осуда ҳаётдир. Айтилик, оғир ташвишлар нотинч ўлка иқтисодиётга пул тикади-ми? Ёки бирор мамлакатда бузғунчи сиёсат юритаётган давлат билан савдо қилишга иштиёқ бўладими? Жаवоб аниқ — йўқ!

Инсонларни муҳаббат, дўстлик, тотувлик бирлаштиради. Айни пайтда офатга қарши нафрат ҳам одамларни яқинлаштиради. Бугун Ўзбекистон ахли ўзаро дўстлик, тотувлик билан бир қаторда, урушга нафрат, тинчликка муҳаббат билан жипсидир, дейиш учун асослар етарли.

Анвар БОБОЕВ, ЎЗА шарҳловчиси.

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Дарҳақиқат, Мустақиллик йилларида мамлакатимизда таракқиётнинг «Ўзбек модели» асосида ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашнинг ҳуқуқий, ташкилий асослари яратилди, уларни рағбатлантиришнинг мустаҳкам механизми шакллантирилди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, соҳага оид 20 дан ортиқ қонунлар ва бошқа норматив-меъёрий ҳужжатлар бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асос вазифасини бажармоқда.

Айниқса, қизларни 12 йиллик зулуксиз таълим билан қамраб олиш, уларнинг саломатлиги, спорт билан шугулланиши, касб-хунар эгаллаши тўғрисида гамхўрлик кўрсатиш борасида амалга оширилаётган аниқ чора-тадбирлар ўзининг юксак самарасини бора-бора кўришмоқда. Президентимизнинг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борадаги

Муҳаббатим сенга, она Ватаним!

ишларни, хусусан, қизларнинг истеъдоди ва ижодий-интеллектуал салоҳиятини юзага чиқаришга оид сай-ҳаракатлар кўламини кенгайтирмоқда.

Ўз навбатида, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилгани, ҳозирги кунгача мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртиларда намунали ҳулки, зукколиги, ташаббускорлиги, ўқишдаги муваффақиятлари билан бошқаларга ўрناк бўлиб келаётган, истиқлол гоёларини амалга ошириш йўлида астойдил меҳнат қилаётган 212 нафар иқтидорли қиз адабиёт, таълим, санъат, маданият, спорт йўналишларида шу нуфузли мукофот билан тақдирлангани мамлакатимизда истеъдод эгаларига кўрсатилаётган юксак гамхўрликнинг амалии намунасидир.

Тадбирда бу нуфузли мукофот совриндорларининг бугунги кундаги меҳнат фаолияти, эришаётган ютуқлари алоҳида эътироф этилди.

— Бу йил Гулистон давлат университети қошидаги 1-академик лицейни аъло баҳоларга тамомлаб, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети раъийети асосида ўқишга қабул қилинувчилар йўналишига киритилдим, — дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори, тавқондонинг ИТF тури бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси Дилбархон Холжигитова. — Албатта, бу рағбат мени келажакда янада яхши ўқиш, ўз устимда ишлаш, тарих, жаҳон тилларини пухта эгаллашга ундайди. Шу билан бирга, спортда эришган ютуқларим сонини янада кўпайтиришни мақсад қилганман.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан республикадаги барча ўқув муассасалари қошида ташкил этилган «Ораста қизлар», маҳаллардаги «Ораста қизлар давраси», шунингдек, БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси билан ҳамкорликда пойтахтимизнинг 11 маҳалласидаги «Ораста ёшлар» ахборот-маслаҳат марказлари фаолияти самарали йўлга қўйилган. Иштирокчилар томонидан қайд этилганидек, булар ёшларда етакчилик қобилиятини юксалтириш, 12 йиллик мажбурий таълим моҳиятини тушунириш, қариндошлар ўртасидаги ва эрта никоҳларнинг олдини олиш, миллий урф-одат ҳамда кадриятларимизга ҳурмат билан муносабатда бўлишни шакллантиришга қаратилган ишларни «Тенгдош — тенгдошга» тамойили асосида тарғиб этишда муҳим ўрин тутмоқда.

Анхуман доирасида «Ҳаётим беағи, жонанг спорт!» мавзусида спорт йўналишида совриндор бўлган қизларнинг ютуқлари кўргазмаси ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга қўмитаси.

Зиёда АШУРОВА.



МУРАББИЙ БАХТИ

Бошимга бахт қуши қўнгани рост. Қаранг, талабалик даврим ва меҳнат фаолиятим айни мустақиллик йилларига тўғри келди. Шунданми, катта ҳаёт оstonасида ҳеч иккиланмадим. Орзуларим рўёби сари шаҳд билан одим ташладим. Самарқанд давлат университетининг Жисмоний маданият факультетини тугатиб, ҳозир Тайлоқ олимпия заҳиралари коллежисда кураш бўйича бош мураббийман. Бу ерда ишлаб кам бўлаётганим йўқ. Тажриба тўпладим, малака оширдим, ҳурмат-эҳтибор топдим. Мақтанганимга йўманган-у, бундоқ ҳисоблаб кўрсам, шу чоққача 100 нафарга яқин спорт усталигига номзод, 20 нафар спорт устаси, 5 нафар халқро тоифадаги спорт устасини тарбиялаб, уларга курашнинг сир-асрорларини ўргатибман. Буларни ўйласам, фойдаланиб кетаман.

Тўғри-да, мураббий учун шогирдлари муваффақиятини кўришдан ҳам ортиқроқ қувонч борми?! Ҳозир собиқ ўқувчиларимдан бири Фурқат Мамамов — икки қарра жаҳон чемпиони. Илмира Исмаилова эса Осиё ва жаҳон чемпиони, халқро турнирлар ғолибаси. Улар қаторига қитъа биринчилиги ғолибаси, жаҳон чемпионати кумуш медал соҳибдори Умида Сафарова, Осиё чемпиони Сўҳроб Худойбердиев, халқро турнир ғолиби Бектош Сафаров ва бошқа шогирдларимнинг ютуқларини қўйсам, эҳ-ҳе, бу рўйхат қанчалар узун бўларкан!

Ониги, давлатимиз мустақил бўлгунча ёшларимизнинг халқро мусобақаларда иштирок этишини фақат орзу қилиш мумкин эди. Ҳозир-чи? Мана, кўнлаб спортчиларимиз юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилиб, ўзларига билдирилган ишончни оқламоқдалар. Яратилган шарт-шароитларни айтмай-сизми?! Болалигимда ўртоқларим билан кураш тушган давримни кўп эслайман. Қаттиқ, тош ерда бел олишиб, баданимиз жероҳатланмасдан қолмасди. Қиш кунларида эса жисмоний тарбия дарси синфхоналарда ўтказиларди. Истиқлол тўғрисида мақола, лицей ва коллежларда алоҳида спорт заллари, маҳалалар худудларида спорт майдончалари, шунингдек, махсус спорт мактаблари ташкил этилгани ёш авлод вақилларининг саломатлигини мустаҳкамлаш баробарида, улар орасидан иқтидорларини кашф этишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Мен мураббийлик қилаётган учунда ҳам ёшларнинг спорт билан шуғулланиши ерда кенг имкониятлар яратилган. Натижада кўнлаб истеъоддорлик аниқланмоқда. Бу ердан спортнинг 15 турли бўйича 19 нафар жаҳон, 71 нафар Осиё, 764 нафар Ўзбекистон чемпионати ғолиби ва миндан ортиқ соҳибдорлар етишиб чиққани ҳам сўзимизнинг ёрқин тасдиғи бўлиб турибди.

Баҳодир БЕРДИҚУЛОВ,
«Дўстлик» ордени соҳиб.

Оҳанрабо экинларни қувватлантиради

Сайхунобод туманидаги «Қаҳрамон Зилола» ва «Улғубек Камола» фермер хўжалиқларида бир неча йилдирки, магнит воситасида юқори ҳосил етиштириб келинмоқда. Мазкур усулдан, асосан, экиш ва суғориш жараёнида фойдаланилмоқда.

ТАЖРИБА

Хусусан, севялқаларнинг уруғлик жойлаштириладиган идишларига ёпиштирилган 2 дона ана шундай оҳанрабо парчаси бу ерда кучли магнит майдони ҳосил қилиб, уруғларни қувватлантиради. Натижада улар қўшимча куч

олиб, униб чиқиш муддати одатдагидан 4-5 кунга қисқаради. Муҳими, магнитланган уруғлар экилган майдонларда ниҳолларнинг хасалликларга чалиниши, зараркунанда хашаротларнинг кўпайиши деярли қузатилмайди.

Суғоришда эса магнитлар далага кирувчи сув йўлига ўрнатилган махсус ускунага жойлаштирилади. Яъни экинга магнит қуввати сув орқали етказилади. Фермер хўжалиқларидаги қузатишлар шунини кўрсатмоқ-

даки, магнитланган уруғликдан униб чиққан ёзда қўса-ғидани чигитлар сони 55-56 тагача етади. Бинобарин, бу кўрсаткич аънавий усулдан 5-10 та кўп. Шу боис иккала хўжалиқда ҳар йили пахта ҳосилдорлиги 44-45 центнердан кам бўлмаётди. Шунингдек, магнит ёрдамида галла ҳосилдорлигини 60 центнердан 80 центнергача ошириш мумкинлиги ҳам мазкур фермерлар тажрибасида бир неча бор амалда исботланган.

Аҳмадли ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

ЭЪЛОНЛАР

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Наманган вилояти филиали
бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Норин тумани СИБ томонидан Наманган вилояти хўжалик судининг 2012 йил 20 декабрдаги 16-1202/18169-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Норин тумани, Ҳаққуллоб шаҳарчаси, «Бобур» МФИда жойлашган, «Норин тумани бош пиллахонаси» МЧЖга тегишли, блок-бостирма (навес) бино-иншоотлари, қурилиш ости майдони 1 242,36 кв.м., фойдаланиш майдони 1 235,22 кв.м., пилла сақлаш бостирмаси (навес), қурилиш ости майдони 1046,07 кв.м., фойдаланиш майдони 1012,57 кв.м., металл бостирма, қурилиш ости майдони 601,8 кв.м., фойдаланиш майдони 601,8 кв.м., мавсумий ишчилар хонаси, қурилиш ости майдони 74,23 кв.м., фойдаланиш майдони 61,34 кв.м., қорапўчоқ бостирмаси бино-иншоотлари, қурилиш ости майдони 290,4 кв.м., фойдаланиш

майdonи 273,76 кв.м. бўлган бино-иншоотлар арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 158 172 360 сўм.
Аукцион савдосига 2014 йил 28 август кунин соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2014 йил 26 август кунин соат 18.00.
Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Наманган вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Наманган бўлимидаги куйдаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил:
Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-қават.
Телефон: (8-369) 227-97-01. www.1kms.uz

Хизматлар лицензияланган.

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Қорақалпоғистон Республикаси бош филиали
бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳар СИБ томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг 2014 йил 9 июлдаги 23-1304/12583 (11)-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Нукус шаҳри, А. Досназаров кўчаси, 8-«А» уйда жойлашган, умумий майдони 10 562,23 кв.м. фойдаланиш майдони 4 157,2 кв.м. бўлган, 2001 йилда қурилган «Амударё» сузиш бассейни иншооти қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 1 125 000 000 сўм.
Аукцион савдосига 2014 йил 26 август кунин соат 15.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2014 йил 22 август кунин соат 18.00.
Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.
Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси бош филиалининг ОАТБ «Турон» банки Нукус филиалидаги куйдаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609003, МФО: 00585, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил:
Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй, 2-қават.
Телефон: (8-361) 222-84-44. www.1kms.uz

Хизматлар лицензияланган.

Мустақил суғориш

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА
Жорий йилнинг июль ойида Хитойда экспорт ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 14,5 фоиз ўсди. Жами маблағ тушуми 212,9 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди.

Ўсиш суръати юқори

Бу ҳақда ушбу мамлакат бош божхона бошқармаси маълумотларида келтирилган. Ўз навбатида, ўтган ойда импорт ҳажми 1,6 фоиз пасайди. Ташқи муносабатлардаги салдо рекорд даража — 47,3 миллиард АҚШ долларига етди.

Аввалроқ «Thomson Reuters» ва «The Wall Street Journal» нашрлари томонидан июлда Хитойда экспорт кўрсаткичи 8 фоиз, импорт эса 3 фоиз ошиши тахмин қилинганди.

Тадқиқотчилар хулосаси

Қайси ёшда одам кўпроқ дўстга эга бўлади? «Genius Gluten Free» тадқиқот компанияси айни шу саволга жавоб топди.

«Tech Times» нашрида қайд этилишича, Буюк Британияда ўтказилган сўровномада 1505 киши қатнашди. Уларнинг фикрига кўра, инсон 29-30 ёшга етганида унинг атрофидаги дўстлари сони нисбатан кўпроқ бўлади. Яъни ўртача 80 нафар одам билан яши муносабат ўрнатади. Булар мактаб, олий ўқув юрти ва иш жойида орт-



тирилган танишлардир. АҚШдаги тадқиқот натижалари эса бир оз фарқ қилди. Америкаликлар инсон 23 ёшга киргунча дўстлари кўп бўлишини билдиришди.

Ижобий натижа қайд этилди

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида Европада етакчилардан бири саналган «Deutsche Telekom AG» компанияси 2014 йилнинг иккинчи чорагини муваффақиятли якунлади, дейилади «Евроњьюс» телеканали хабарида.

Мазкур даврада компаниянинг соф фойдаси 34 фоиз ошган. Солиқларни ҳисобга олмаганда, унинг умумий даромади 4,43 миллиард еврони ташкил қилган. Таҳлилчилар йил якунига бўйича «Deutsche Telekom AG» да маблағ тушуми 17,6 миллиард АҚШ долларига етишини башорат қилишмоқда.

Титанда денгиз бор

Калифорния технологиялар институти олимлари Сатурн сайёрасининг йўлдоши — Титанда худди Ердангдек «Улик денгиз» мавжуд, деган фикрни илгари суришяпти.

Улар ўтказган тадқиқот натижалари ҳақида «Isagus» илмий журналида батафсил сўз юритилган. Қайд этилишича, Титандаги денгиз сувдан эмас, асосан, этан ва бензол углеводородларидан иборат бўлиши мумкин. Жорий йилнинг 21 август кунин НАСАНинг «Касини» номли космик аппарати Титанга яқин худудга учиб борди. Ана шунда мазкур кашфиётга янада аниқлик киритилади.

Бир кўчада икки рақобатчи

«Microsoft» компанияси маъмурияти Нью-Йоркда ўзининг дастлабки расмий дўконини очиб юзасидан музокара олиб бораёпти.

Ушбу савдо шохобчаси фаолиятини дунёга машҳур Бешинчи авенюда йўлга қўйиш кўзда тутилган. Гап шундаки, айни шу кўчада «Microsoft»нинг асосий рақобатчиларидан бири — «Apple Store»нинг йирик савдо дўкони жойлашган. Экспертларнинг айтишича, бу техника бозорига янада соғлом рақобат вужудга келишини таъминлайди.



Эслатиб ўтамиз, ҳозир «Microsoft»нинг АҚШ, Канада ва Пуэрто-Рикога 60 та дўкони бор. Яқин келажақда компания яна 13 та ана шундай савдо масканини очишни режалаштирган.

Ўмғирлар мавсумининг талафотлари

Ҳиндистон шарқидан қузатилган сурункали ўмғир кучли сув тошқинларини келтириб чиқарди.

Табий офат Одиша штатида 35 кишининг ҳаётига зомин бўлди. 70 минг нафардан ортиқ одам ҳавфсиз худудларга кўчирилган. 15 мингдан зиёд турарога бутунлай вайронга айланган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ
очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

«Capital realtor group» МЧЖ Фаргона филиалида 2014 йил 29 август кунин соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига куйдаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Суд департаментининг Фаргона вилояти худудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фаргона вилояти судининг 2012 йил 8 августдаги 2-50/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

1. Олтиариқ тумани, «Ҳамза» ШФЙ, Ўзбекистон кўчасида жойлашган, умумий қурилиш ости майдони 1923,25 кв.м., фойдаланиш майдони 1934,30 кв.м. бўлган, 0001-0009 литерлардаги тўйхона мажмуаси.
Бошланғич баҳоси — 755 076 003 сўм.

2. Олтиариқ тумани, «Қапчугай» ҚФЙ, «Қапчугай» МФИда жойлашган, умумий қурилиш ости майдони 3585,71 кв.м., фойдаланиш майдони 3361,38 кв.м. бўлган, 0001-0014 литерлардаги темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш чеҳи.
Бошланғич баҳоси — 511 948 059 сўм.

3. Олтиариқ тумани, «Олтиариқ» ҚФЙ, «Кўмирчи» МФИда жойлашган, умумий қурилиш ости майдони 112,23 кв.м., фойдаланиш майдони 87,91 кв.м. бўлган, 0001 литердаги савдо дўкони.
Бошланғич баҳоси — 42 132 132 сўм.

4. Олтиариқ тумани, «Қапчугай» ҚФЙ, «Шарк» МФЙ, Дўстлик кўчасида жойлашган, умумий қурилиш ости майдони 4646,27 кв.м., фойдаланиш майдони 3997,47 кв.м. бўлган, 0001-0012 литерлардаги алюминпрофил МДФ эшик ва ромлар ишлаб чиқариш чеҳи.
Бошланғич баҳоси — 574 137 035 сўм.

II. Фаргона шаҳар СИБ томонидан ФИБ Фаргона туманлараро судининг 2013 йил 25 декабрдаги 1-4884/13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фаргона шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 199-уйда жойлашган, умумий қурилиш ости майдони 847 кв.м., фойдаланиш майдони 358,48 кв.м. бўлган, 0001-0014 литерлардаги ҳовли-жой.

Бошланғич баҳоси — 171 000 000 сўм.
Аукцион савдосига иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда, яъни 2014 йил 27 август кунин соат 17.00 да тўхтатилади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосига қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улғубек филиалидаги куйдаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Барча масала юзасидан куйдаги манзилга мурожаат этиш мумкин:
Фаргона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 35-уй, «Биржа маркази», 2-қават, 19-хона. Телефонлар: (+99873) 244-42-24, (+99890) 231-38-59.

Хизматлар лицензияланган.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ
очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

«Capital realtor group» МЧЖда 2014 йил 26 август кунин соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига куйдаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

1. Сергели тумани СИБ томонидан ФИБ Учтепа туманлараро судининг 2013 йил 15 августдаги 1-3745-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Сергели-6 мавзеси, Янги Сергели кўчасида жойлашган, умумий майдони 46 кв.м. бўлган савдо дўкони.
Бошланғич баҳоси — 50 000 000 сўм.

2. Сергели тумани СИБ томонидан ФИБ Яккасарой туманлараро судининг 2014 йил 24 январдаги 1-254/14-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Қўйлик-7 мавзеси, Адонат 3-тор кўчаси, 9-уйда жойлашган, умумий ер майдони 600 кв.м., қурилиш ости майдони 410,13 кв.м., фойдаланиш майдони 55,08 кв.м. бўлган 3 хонали уй-жой.
Бошланғич баҳоси — 136 128 000 сўм.

3. Юнусобод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2012 йил 12 ноябрдаги 10-1218/19834-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Юқалиш кўчаси, 26-уйда жойлашган, умумий ер майдони 600 кв.м., умумий майдони 780 кв.м. бўлган 2 қаватли ертўлали дўкон биноси.
Бошланғич баҳоси — 1 802 694 000 сўм.

4. Олмазор тумани СИБ томонидан ЖИБ Олмазор тумани судининг 2012 йил 21 декабрдаги 1-667/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент

шаҳри, Олмазор тумани, Қорақамиш 1/2 даҳаси, 13-уйда жойлашган, фойдаланиш майдони 265,47 кв.м., тураржой майдони 185,53 кв.м. бўлган уй-жой.
Бошланғич баҳоси — 271 609 962,06 сўм.
Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосига иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш кунин қолганда соат 17.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосига қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатилган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда «Capital realtor group» МЧЖнинг ОАТБ «Капиталбанк» Мирзо Улғубек филиалидаги куйдаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қўшбеги кўчаси, 18-уй.
Телефон: (8-371) 250-19-24.

Хизматлар лицензияланган.

БИЛДИРИШ
«Халқ сўзи» газетасининг 2014 йил 10 июлдаги 133-сонда чоп этилган хабарномадаги Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 11-қават, Аҳмад Доғиш кўчасида жойлашган супермаркет биносининг аукцион савдоси Юнусобод тумани СИБнинг 2014 йил 31 июлдаги хатига асосан тўхтатилди.
«Capital realtor group» МЧЖ маъмурияти.



Гўзал диёримиз гавҳари

Улуғ неъмат — истиқлолга мушарраф бўлган Ўзбекистонни қутлуғ манзил, буюк келажак сари интилаётган катта карвонга қийслаш мумкин. Йигирма уч йиллик сана эса бу йўлдаги нурли бир бекат. Бирон бир бекатга етгач, беихтиёр орта нигоҳ ташланади. Шу маънода, бугун қутлуғ бир бекатда туриб, сафар сарҳисоби қилингандай бўлса, истиқлол карвони босиб ўтган йўлда нурли изларни, юрт равнақи, эл фаровонлиги учун амалга оширилган кўпдан-кўп хайрли ишларни, улкан бунёд-корликларни кўриб, беихтиёр қалбимиз чексиз фахр-ифтихорга тўлиб-тошади.

қариб 60 та ишбилармонларимиз қўшилди. Хива — азал-азалдан миллий хунармандчилиги билан бутун Шарқда донг таратган. Туман хунармандлари уюшмаси тевара-гига бирлашган 200 нафардан зиёд ёғоч ўймакорлиги, тўқувчилик, зардўзлик, куллолик, либослар тивувчиси ва бошқа касб-кор билан шуғулланувчи усталар умр-

Биз томонларда бир удум бор. Янги оила қураётган келин-куёв-лар тўй кун, энг аввало, Ичан калъага ташриф буюриб, Саййид Алоиддин, Паҳлавон Махмуд ва бошқа буюк зотлар мангу макон тутган қадамжоларни зиёрат қиладилар. Бу ҳам аждодлар хотирасига ахтиром ва садоқат рамзидир.

Ичан калъага кириладиган тўртта дарвозанинг бири — Ота дарвоза олдидаги доимо гавжум бўладиган меҳмондўстлик майдо-нига қадамранжида қилган киши ажиб манзаранинг гувоҳига айланади. Бир томонга боқсангиз, замонавий русумдаги автоуловларни, улардан тушиб зиёратта оши-қайтган келин-куёвларни, қўлларидан, елкаларида рақамли фотоаппарат — атрофга ҳайрат назари билан боқиб, хорижий тилда ўзaro қайлашиб келаётган гуруҳ-гуруҳ сайёҳларни кўрасиз. Яна бир томонга қарангиз, асрлар оша қад тиклаб турган афсонавий калъа деворлари, иллий гўмбазлар осмонлар минораларга кўзингиз тўшади.

“Хива — гўзал диёримизнинг гавҳари, халқимиз санъати ва бунёдкорлиги тимсоли, маданий ва маънавий аъёнларимизнинг абадийлигини ўзида мужассам эт-

ган бир мўъжизадир”, деган эди Президентимиз Исрол Каримов Хиванинг 2500 йиллигига бағишланган тантанада сўзлаган нутқида. Дарҳақиқат, уни бир бор кўриш учун бугун дунёнинг турли бурчакларидан келаётган сайёҳлар оқими йилнинг тўрт фаслида ҳам асло тўхтамайди.

— Айтганларича бор экан, кўриб қойил қолдим, — дейди франциялик меҳмонлардан бири. — Ичан калъада сайр қилиб, ўзимни худди қадим Шарқ эрталарида тасвирланган воқеалар ичида юрган-дек ҳис этдим. Очик осмон остида музейи энди бутун олам билан келишни ният қилдим.

Бу сўзларни тинглай туриб, шу замин фарзанди сифатида чексиз фахр туюсан киши.

Хива нафақат асрлар силсиласидан омон ўтиб келган тарихий обидалар, балки ўз истеъдоди, салоҳияти, кашфиётлари билан ҳаётан илм-фанига улкан ҳисса қўшган алломага, фозилу шоирлари билан ҳам машҳур. Мухаммад ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Нажириддин Кубро, Абу Наср ибн Ироқ, Махмуд Замашшарий. Улар қолдирган бой илмий меросни баҳолашга қодир тошу тарози топилмаса керак!

Кутлуғ айём — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 23 йиллигини нишонлашга тарадду қуриладиган шу кунларда қайси бир элдошимиз, айниқса, ёшлар билан суҳбатлашсангиз, амин бўласизки, уларнинг орзу-хаваслари бир олам. Ниятлари — ҳаётда яхши из қолдириш. Уларни тингласангиз, юрт келажиги ишончи қўлларда эканига амин бўласиз. Шу муқаддас Замином фарзанди, бутун жаҳон хавасда боқиб турган ошад ва обод Ватанди фуқароси эканлигингиздан беқийёс гуруҳ туюсиз.

Отабек ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.



ланишга топширилди. Шунингдек, кейинги йилларда буюк бобокалонларимиз хотирасига барпо этилган Огаҳий боғи, Шероий боғи, Беруний боғи, Феруз боғи каби боғ-роғлар ҳам гавжум масканга айланиб улгурган. Воҳада олиб бориладиган бунёдкорлик ишлари бутун мамлакатимизда бўлганидек, одамлар кўнжа куч, гайратига гайрат қўшмоқда. “Хоразм гиламлари” корхонаси тўқувчилари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар бугун нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам маълуму машҳур. Умуман, бугун Хивада 2500 дан зиёд кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатишмоқда. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида улар сафига яна

боқий аъёнларни “Устоз — шогирд” мактаби асосида юзлаб ёш йигит-қизларга ўргатишмоқда. Турган гапки, ўз-ўзидан бу янги иш ўринлари очилишига имконият яратмоқда. Чўғирмадўз ва пўстиндўз Шокиржон Абдуллаев хунарманд усталар сулоласининг еттинчи авлод вакили. Президент соврини учун ўтказилаётган “Ташаббус” кўрик-танловининг вилоят ва республика босқичларида бир неча бор муваффақиятли қатнашиб, совриндор бўлган уста бугунги кунда ҳунари сир-асрорларини фарзандлари ва шогирдларига кўнгил билан ўргатмоқда. Қўли гул хунарманд маҳсулотларини чет эллик сайёҳлар ҳам зўр қизиқиш билан кузатишади ва харид қилишади.

Енгил ва чидамли

Полиэтилен қувурлар енгиллиги, намлик ва шўрга чидамлиги билан ажралиб туради. Шу боис бундай маҳсулотлардан 50 йилгача фойдаланиш мумкин.

ИЗЛАНИШ

Эллиқалъа туманилик тадбиркор Музаффар Эгамбердиев ўз лойиҳасини амалга оширишда айни шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратади. Натжиҳада “Сахтиён” шаҳарча фуқаролар йиғинида фаолият

юритаётган “Сухроб-Зоҳид” хусусий корхонасининг маҳсулотлари қисқа муддатда харидорларга манзур бўлиб улгурди. — Йилга 72 минг метр полиэтилен қувур ишлаб чиқаришни ўзлаш-

тиришимизда банкнинг 150 миллион сўмлик молиявий кўмаги кўл келди, — дейди тадбиркор. — Бу билан 25 нафар ёш иш доимий иш билан таъминлади. Жорий йилнинг дастлабки олти ойида, асосан, ички бозорга, жумладан, қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган уйларга маҳсулот етказиб бердик.

Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ИЖТИМОЙ РЕКЛАМА

«Нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари билан ижтимоий шерикликнинг энг яхши тажрибаси» танлови тўғрисида

Э Ё Л О Н

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, ННТларнинг фуқаролик жамоияти бошқа институтлари, давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари, тадбиркорлик субъектлари билан соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ёшларни иш билан таъминлаш, аҳолининг хомияга муҳтож қатламларини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳаларида ва шу каби ижтимоий аҳамиятга молик бошқа масалаларни ечишга йўналтирилган давлат дастурлари ижросини таъминлашдаги самарали ижтимоий ҳамкорлигини аниқлаш, ННТларнинг бу борадаги фаолиятини рағбатлантириш ва оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ва Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси ҳамкорликда

«Нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари билан ижтимоий шерикликнинг энг яхши тажрибаси» танловини эълон қилади.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилиниши лозим:

- Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди номига эркин шаклдаги хат;
- ташкилот адлия идораларида рўйхатга олинганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси;
- Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциациясига аъзолиқни тасдиқловчи маълумотнома (агар УЗННТМА аъзоси бўлса);
- ижтимоий шериклик асосида амалга оширилган ишлар (ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳа, давлат ҳоқимияти ва бошқаруви органлари, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилган иш, давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишида ННТ иштироки, турли комиссиялар, ишчи гуруҳлар, жамоатчилик назоратидаги ННТ иштироки, давра суҳбати, акция ва бошқа тадбирларнинг ОАВда ёритилиши, шунингдек, мазкур тадбирлар натижа-сида ёришилган ютуқлар) ҳақида батафсил маълумот (5-10 бет).

Тадбирлар шакли:
• биринчи ўринга — компьютер тўплами;
• иккинчи ўринга — ноутбук;
• учинчи ўринга — фотоаппарат.

Шунингдек, турли йўналишлар бўйича рағбатлантирувчи дипломлар, сертификатлар ҳамда қимматбаҳо мукофотлар топширилади.

Танловга ҳужжатлар 2014 йил 5 августдан 2014 йил 1 октябрга қадар қабул қилинади.

Танловга ҳужжатлар конверт (А4 формат)да Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди (Тошкент шаҳри, 100047, Амр Темур шоҳўнчаси, 14-уй)да қабул қилинади. Ҳужжатларни қабул қилишда почта штемпелидаги жўнатиш санаси инобатга олинади. Ҳужжатлар тўғривдан-тўғри топширилганда, аризалар Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондида шанба ва яшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Барча ҳужжатлар Times New Roman шрифтида, 14 келгуда расмийлаштирилиши лозим.

Танловда иштирок этиш учун қўшимча маълумотларни www.pgo.uz сайти ёки (+99 871) 233-52-41 телефон рақамига кўнғирок қилиб олиш мумкин.

Танлов ташкилий қўмитаси.

Мустақлол сурури

БУЮК АЖДОДЛАРГА МУНОСИБ АВЛОД БЎЛАМИЗ

Ҳали ёшман, шу боис ҳаётнинг пасту баландини кўпам яхши билмайман. Лекин ўз фикрим, қарашларимга эгаман. Келажаким ҳақида ўйлайман, ширин орзуларга беришаман. Бирор касб сирларини ўргансам, ишли бўлсам, оиламга, юртимизга нафим тебсам, оёя ният қиламан. Бунинг учун, албатта, астойдил ўқишим, билимларимни бойитишим кераклигини яхши тушунаман. Шароит эса етарли.

Юртимизда биз, ёшларга жуда катта имкониятлар яратиб берилган. Ундан унумли фойдаланган, иштиган йиғит-қиз борки, мақсадиёра эришяпти. Мана, телевизор орқали деярли ҳар кун халқаро фан олимпиадалари, мусиқа фестиваллари ёки спорт мусобақаларида муваффақият қозongan тенгқуларимиз ҳақида кўрсатувлар, лавҳалар намойиш этилади. Уларни кўриб, очиги, чин дилдан ҳавасим келади. Фақат ҳавас қилиш эмас, энди мен ҳам ўз иқтидоримни кўрсатиши ҳаракатимданам.

Аниқ фанларга қизиққанам тўғрисида ушбу йўналишда ўтказилаётган турли танловларда қатнашиб келмоқдам ва айни пайтга қадар муайян натижаларни ҳам кўлга киритдим. Масалан, фан олимпиадасининг вилоят босқичида икки бор гўлиб чиқдим. Гарчи республика босқичида совриндорлар каторидан жой олмаган бўлсам-да, бундан сира туш-қунакка тушиганим йўқ. Ақсича, чин устимда янада кўпроқ ишлашим, кўпроқ китоб мутолаа қилишим лозимлигини тушуниб етдим. Билишимни мустаҳкамлаб, юксак марраларни эгаллашга ишонаман.

Май ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Ўрта асрлар Шарқ алломулари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидидаги роли ва аҳамияти” мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимини бутун оиламиз биралликда ҳаяжон билан томоша қилдик. Президентимиз ўз нутқида Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек каби улуғ аждодларимизнинг илмий салоҳияти, улар қолдирган бебаҳо мерос ҳақида жуда кенг қамровли маълумотларни тақдим этишлар. Қолаверса, аждодларимиз билан фақат гуруҳларнинг ўзи етарли эмаслиги, истиқлол фарзандлари ҳам, худди улар каби, мана шу бебаҳо меросга ўз ҳиссасини қўйиши кераклигига яна бир қарра зурғу бериб ўтдилар.

Бу эзу давлат бизни доимо янги марралар сари чорлаб туради.

Гулбаданбегим МАМАТХОНОВА,
Марғилон академик лицейи ўқувчиси.

Зоминнинг хуштаъм олмалари

Жиззах вилоятининг Зомин туманида шу йилнинг ўзида тез ҳосилга кирувчи интенсив боғлар 70 гектарга кенгайди.

БОҒДОРЧИЛИК

2012/2013 йилларда Европа мамлакатларидан олиб келиб экилган мевали кўчатлар нафақат маҳаллий иқлим шароитига мослашди, балки ҳозирдан гўл-ғуж ҳосилга кирди.

Биргина “Ёқут олма” хўжалигининг ўзида бу йил 20 гектар майдондан ўнлаб тонна ширин-шакар мева териб олиш режалаштирилмоқда.

— Европа олмалари кутганимиздан ҳам тез ҳосилга кирди, — дейди “Сувли диёр” фермер хўжалиги раҳбари Баҳодир Эргашев. — Ўтган йили 10 гектар майдонда ташкил қилган интенсив боғимиз, мана, бугун болга тўлмоқда. Олма, шафтоли ва олхўрининг тез ҳосилга кирувчи навлари дастурхонимизни тўқин қилаётганидан хурсандимиз.

Тоҳиджид ҚАМАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



НАЗОРАТ

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидан озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажми ва сифатини ошириш йўлида олиб бориладиган тизимли ишлар самараси бозорларимиздаги кўт-барака, дастурхонимиздаги тўқинлик мисолида кўзга янада яққолроқ ташланади.

СОҒЛОМ ОВҚАТЛАНИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

профилактика тадбирларининг асосини ташкил этмоқда

Кундалик истеъмолимиздан сарҳил мева, сабзавот ва полиз маҳсулотлари, айниқса, ёз кунларида кенг ўрин олади. Ва айни шу пайтда хонадонларда кўп мавсуми учун мева-сабзавотларни банкага ёпишга қизгин киришилади. Лекин пишиқчилик мавсумида ўткир ичак касалликларининг кескин кўпайиши, овқатдан оммавий захарланиш сингари нохуш ҳолатлар хавфи ҳам ортадики, бунинг олдини олиш учун янада ҳушёр бўлиш, профилактика тадбирларини савияли ва оқилона ташкил қилиш ҳар қачонгидан-да долзарб аҳамият касб этади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, овқатдан захарланган фавқулодда юзага келиши ва қисқа давомийлиги билан характерланади. Овқат токсикологияларига эскириб қолган, захарли бўлган ёки касаллик келтириб чиқарувчи микроблар сақловчи озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмоли қилиш сабаб бўлади.

Мутахассисларнинг қайд этишича, овқатдан захарланишнинг энг оғир шакли — ботулизм кўзгатувчиси табиатда кенг тарқалган бўлиб, бу микроб ҳавосиз муҳитда кўпайди. Унга ошқозон шираси таъсир қилмайди ва жуда тезлик билан ривожланган микроб илон захридан бир неча юз баробар кучли токсин ишлаб чиқаради. Ботулизмдан захарланиш кўп ҳолларда ўй шароитида консервация қилинган сабзавотларни истеъмоли қилиш оқибатида келиб чиқарилади. Энг ёмони, ўта оғир кенадиган ҳамда ўлим кўрсатиши юқори бу касалликнинг олдини олиш учун грипп ва бошқа юқумли касалликлардаги каби эмлаб ҳам, уни антибиотиклар билан даволаб ҳам бўлмайди. Энг маъқул чора — аҳолининг бу борада етарли билим ва тушунча ҳосил қилишига кўмаклашиш, оилаларда соғлом турмуш қўниқмаларини кўчатиришдан иборатдир.

Шунга қўра, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар, Соғлиқни сақ-

лаш, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазириликлари, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва маҳаллий ҳокимликлар ҳамкорлигида аҳоли кенг қатлами ўрта-сида ботулизм ва овқатдан оммавий захарланишнинг профилактикасига доир тушунтириш ишлари мунтазам олиб борилаётган.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Тиббий-биологик муҳофаза бўлими бошлиғи Абдусами Аҳматовнинг айтишича, жорий йилнинг

Маълумки, иқтисодий инкироз, Ер юзи аҳолисининг жадал суръатда кўпайиб бораётгани, глобал иқлим ўзгаришлари ва шу каби омиллар қатор давлатларда оммавий тақчиллигини келтириб чиқармоқда, кўплаб инсонлар, айниқса, болалар тўғиб овқатланмасликдан азият чекапти. Аҳолини сифатли ва фойдали озиқ-овқат билан таъминлаш, овқатдан оммавий захарланишнинг олдини олишда муаммоларга дуч келаётган давлатлар ҳам йўқ эмас. Мана шундай шароитда юртимизда озиқ-овқат таъминотидаги барқарорлик, сероблик алоҳида эътирофга муносиб. Зеро, давлатимиз раҳ-

бар раҳнамолигида амалга ошириладиган Озиқ-овқат дастури замирида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишдек устувор мақсад мужассам. Соғлом турмуш кечириш эса бевосита ҳар бир инсоннинг тиббий-гигиеник қўниқмаларига боғлиқ. Мухтасар айтганда, қафолатланмаган ичимлик ва егуликларни истеъмоли қилмаслик, сотиб олаётган озиқ-овқат маҳсулотлари сифатига эътибор билан ёндашиш орқали ўз саломатлигимизни ўзимиз асраймиз ва нохуш вазиятларга тушиб қолмаймиз.

Ф. МАҲКАМОВА.

WWW.XS.UZ

Хитой: Жорий йилнинг 16 — 28 август кунлари Нанкин шаҳрида ўсмирлар ўртасидаги II ёзги Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтади. Унда 28 нафар ҳамюртимиз спортнинг ўн тўрт тури бўйича мусобақаларда иштирок этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 867. 79 367 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Тахририятга келган кўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб бериб берилмайди.

Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғоев томонидан саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.35 Топширилди — 21.45 1 2 3 4 5

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — Ф. Абилов.
Мусахҳач — С. Исломов.